**УЎК: 340.6: 612.118.221.2**

# СУД-ТИББИЙ МУНОСАБАТЛАРИДА СОЧЛАРНИ ТЕКШИРИШНИ БАЪЗИ АСПЕКТЛАРИ

**Хасанова Мухаррама Алмаредановна,**
**Нуров Акобир Ризокулович**
Тошкент давлат тиббиёт университети, Узбекистон, Тошкент
e-mail m.xasanova71@gmail.com

Сочлар ашёвий далилларни суд-тиббий экспертизасида объект сифатида турли буюмларда – жиноят қуролида, жабрланувчи ва айбланувчининг кийимларида бўлиши мумкин. Бу турдаги объектлар далилий ашёлар сифатида қотилликда, бахтсиз ҳодисаларда, жинсий ва бошқа жиноятларда тақдим этилиши мумкин. Шунинг учун сочни маълум бир инсонга тегишли эканлигини аниқлаш сочларни ўхшашлигини суд-тиббий экспертизасида асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади [36].

Терговчи қарори ёки суд ажримига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:1. Тақдим этилган объектлар сочми; 2. Уларнинг тур мансублиги (одамга ёки ҳайвонга тегишлими). 3. Сочларнинг региональ келиб чиқиши; 4.Сочлар юлинганми ёки тўкилганми; 5.Сочлардаги жароҳатлар; 6. Сочлардаги ўзгаришлар; 7.Сочларнинг иш бўйича ўтаётган шахслардан келиб чиққанлигини аниқлаш; 8. Сочларнинг гуруҳий мансублигини аниқлаш.

Сочлар турли пардозлаш таъсирлари остида, чўзилишда, олов ва юқори ҳарорат таъсири остида, ўқ отар қурол, ўткир буюмлар, тўмтоқ


буюмлар билан берилган зарбалар, турли жароҳатларда шикастланади. Тадқиқот объекти бўлиб, Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент шаҳар филиали суд-биологик бўлимига келиб тушган тирик шахслар ва мурдаларнинг бошидан олинган соч толаси намуналари хизмат қилди. Сочларни морфологик хусусиятларини аниқлашда микроскоп остида ўрганилади ва бунда соч толасидаги нафақат шикастланган қисм ёки бўлим, балки соч толасининг бутун узунлиги бўйича ўрганилади. 30 соч намунаси текширишдан ўтказилди. Механик шикастланишларда олтита соч толасида сочнинг бутунлигини тўлиқ бузилиши кузатилган бўлса, тўртта соч толасида нуқсонлар ва ёриқлар кўринишидаги қисман бузилишлар аниқланди.



**1-расм. Соч илдизлари**




**2 - расм. Соч ўзаги**



**3-расм. Соч кутикуласи**



**4-расм. Соч учлари**



**5-расм. Соч кутикуласи**



**6-расм. Сочнинг пўстлоқ қисми**

Тўмтоқ жисм билан шикастланганлар орасида бош суягининг синиши энг кўп учрайди ва улар кўпинча жабрланувчилар хавфли бўлиб ўлим билан тугайди. Тўмтоқ предметлар билан содир этилган шикастланишларда бошнинг катта қисмидаги сочларни эзилиши кузатилади. Тўртта соч тола намунасида пўстлоқ моддаси кўндаланг

устунчаларга ёпишган, кутикула қатламидан ажраб кетган, узилган. Узиб олинган намуналар орасида учи тўмтоқ болта билан ажратиш сочлар учини эзилиши, ёпишиб қолишини хосил бўлишига олиб келган, чуқур кўндаланг ёриқлар мавжуд.





**1.-расм Ўтмас жисмдан етказилган шикастлар**


Шуни таъкидлаш жоизки, сочларни шикастланишида ўткир буюм таъсиридаги жароҳат тавсифи унинг ўткирлик даражасига боғлиқ бўлади, кесувчи қурол қанча ўтмас бўлса, сочларни жароҳати шунча қўпол бўлади. Тўртта соч намунасида соч учлари юзасини кўндаланг ёки қийшиқ кесилишига, ўткир учли енгил ғадир будир ёки текис учларга эга бўлди, бу уларни ўткир қайчи билан кесилганлигини кўрсатади.




**2-расм Ўткир жисмдан етказилган шикастлар**

Олтита соч толаси учларида пўстлоқ моддани тиконли ўсиқлари билан йирик ғадир будирликка, кўндаланг ёки қийшиқ кесма юзасига эга бўлди, бу жароҳат учи тўмтоқ қайчи билан етказилганлигини билдиради. Иккита намунада кесма юзаси кўндаланг, текис, бурчаклари ўткир. Бу таъсир кучининг катталиги ва бир зарба билан таъсир этиганлигини билдиради. Саккизта соч толасида асосдан зинапоясиман кесмалар томонига кетувчи, кўндаланг чуқур ёриқли зинапоясимон учлар аниқланди, бу сочларни узилишига олиб келган, унча катта бўлмаган куч билан узоқ вақт таъсир этилганлигини кўрсатади. Улардаги зинапоясимон кесма юзаси йирик эгри бугрили, пўстлоқ моддаси чиқиб қолган. Турли ҳарорат таъсири остида сочлардаги ўзгаришларнинг қуйидаги тавсифлари кўрсатилган: юқори ҳарорат таъсири остида сочлар сувни йўқотади, уларнинг тузилиши ўзгаради, макро- ва микроскопик ўзгаришлар юзага келади. 120–140$^0$C ҳароратда бир соат турган сочларда микроскопик ўзгаришлар топилмади. 140$^0$C ҳароратда сочлар ўз рангини ўзгартиришни бошлайди, жингалак бўлиб қолади. 140$^0$C ҳарорат таъсирида оқ сочлар сариқ тусга киради, қуруқ, синувчан бўлиб қолади 180$^0$C ҳароратда эса 10–15 дақиқадан кейин қизаради. 190$^0$C ҳарорат

таъсирида пўстлоқ моддасида якка ҳолдаги вакуолалар –ҳаволи пуфакчалар пайдо бўлади. 250$^0$C ҳароратда сочлар жингалак бўлиб қолади, қизил тусга киради, 300–400$^0$C ҳарорат таъсирида кўмирга айланади.



**3.-расм Юқори ҳарорат таъсири**

Олов таъсирида сочлар колбасимон шишади, қуруқ, синувчан бўлиб қолади, қора тусга киради. Шикастловчи ўқ отар жароҳатларда ва яқин масофадан ўқ отилганда ўқ кирган тешик атрофидаги сочларда ўзгаришлар юзага келади.

Микроскопик текширишларда термик таъсир учун хос бўлган кўринишдан ташқари бошқа турдаги шикастланишлар – сочларни синиши, кутикула ва пўстлоқ моддасини унча катта бўлмаган айлана нуқсонлари, баъзида қурумни хосил бўлиши кузатилади. Бизларни ўнта намунада олиб борган микроскопик текширишларимизда якка ҳолдаги вакуола ва ёриқлар, қайрилиб қолиш, рангини ўзгариши аниқланади, кутикуланинг нусхаси тайёрланди. Сочларни бутун узунлиги давомида текширишдан ўтказилди. Нусхалардаги кутикула ҳужайраларидаги

нуқсонлар ўз тасвирини йўқотган унча катта бўлмаган қисмлар кўринишини олди. Аёл жинсидаги тирик шахслар бошидан олинган олтита соч намунасини макро ва микроскопик текширишларда сочлар ўз рангини ўзгартирган, пўстлоқ моддасида кўп сондаги майда думалоқ бўшлиқлар қаватини хосил бўлишидан кулранг-кулсимон тусга эга бўлди. Бу соч толасининг кутиикуласи майда нуқсонларга эга, оптик қирралари узлукли, баъзи жойларда тишсимон шакл мавжуд эмас.

Бу шикастланишларнинг барчаси қисқичлар билан жингалак қилиш, электор тароқларда жингалак қилиш ва бигуди ёрдамида сочни қайириб пардоз берилганлигини кўрсатади. Бу соч толаларининг учлари кўндалангига 2–3 қисмга бўлинган, уларнинг ҳар бири эса ўз навбатида попуксимон кўринишга эгадир. Бу соч толаси учларининг атрофида шикастланишлар – майда кўндаланг ёриқлар ва кутикула ҳужайраларининг кўчиши кузатилади. ХУЛОСА. Аниқ бир инсонга тегишли бўлган сочлар қуйидагилар асосида аниқланди: экспертизага юборилган сочларни морфологик тузилишини текшириш ва шахсларнинг ишлари бўйича (жабрланганлар, гумондорлар, айбдорлар) келтирилган соч намуналари ва АВ0 тизими бўйича сочларни гуруҳий мансублиги аниқланди. Мазкур тадқиқот натижалари ашёвий далилларни текшириш бўйича масалаларни амалий ҳал этиш учун суд-тиббий экспертлари томонидан фойдаланилиши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдулина Е.В.и др.Исследование повреждений волос в зависимости от свойств ударной поверхности тупого твердого предмета и условий удара. // Судебная медицинская экспертиза. –М.,2007., - №2., С.9-11.

2. Леонова Е.Н., Нагорнов М.Н., Прохоренко А.С. Особенности отпечатков прямых и волнистых волос головы, испачканных кровью – научное издание // Судебно-медицинская экспертиза экспертиза.- М.,2018. –Т1.-№1. -С.39-41.

3. Барсегянц . Л.О., Батруддинова В.М., Герасимова О.П., Круподерова О.Г., Крупник И.Ю. Одномоментное определение антигенов А и В в волосах реакциями абсорбции-элюции и смешанной агглютинации //Судебно-медицинская экспертиза экспертиза.- М.,2013. -№424-25.

4. Ильина Е.А. Выявление антигенов А и В системы АВ0 в стержне единичного волоса // судебно- медицинская экспертиза. – М., 2004., №4.С.41-42.

5. Стефаненко Е.В., Мяделец О.Д., Кухновец О.А., Мяделец. //Клетки Ларгенганса межфолликулярного эпидермиса и эпителия наружного влагалища волосяных фолликулов кожи человека в норме и при холодовой смерти.//Морфология.- СПб., 2019.-т.135.,-№3.-С. 67-71.

6. Леонова Е.Н., Нагорнов М.Н., Дорофеева Е.Е. некоторые особенности отпечатков волос головы, пропитанных кровью.// Судебно-медицинская экспертиза - М.,2024. –Т57.-№4. -С.31-33.

7. Слустовская Ю.В., Крыско М.В., Стрелова О.Ю. Разработка методики ферментативного гидролиза для изолирования токсичных

веществ из образцов волос // Судебно-медицинская экспертиза - М., 2017.,- Т60., №2.,- С.36-40.

8. Трунова Г.В., Ноздрин В.И. Морфологические проявления коротких стадий цикла смены волос у человека.// Морфология. – СПб.,2015.,-Т147., №3..-С. 83-84.

9. Трунова Г.В., Ноздрин В.И. Способы морфологической идентификации стадий цикла смены волос у человека.// Морфология. – СПб.,2016.,-Т149., №2.. - С. 77-84.

10. Лапенков М.И., Александрова В.Ю. и др. Определение групповой принадлежности микрофрагментов волос с помощью реакции абсорбции-элюции с использованием моноклональных антител. 2022. №2.. - С. 77-84